Ушбу сонда:

2 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

3 *Тарихимизни ўрганамиз* «ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК»

4 ЎЗКУФК СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ ТУРНИР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 21 октябр, сешанба № 163 (1588)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«КИЧИК ОЛИМПИАДА»ДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАР

14-20 октябрь кунлари Тожикистон пойтахтида бешинчи Марказий Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Халқаро Олимпия қўмитаси талаблари асосида ўтказилган мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари тўқсон саккизта - 38 олтин, 39 кумуш ва 21 бронза медали жамғарди.

Мухлис ва мутахассислар томонидан «Кичик Олимпиада» деб таъриф берилган Марказий Осиё ўйинлари дастлаб Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Халқаро Олимпиа қўмитаси кўмагида 1995 йили Тошкентда ташкил этилган эди.

Душанбеда ўтган мусобақаларда ҳамюртларимиз спортнинг якка кураш турлари бўйича минтақада тенгсиз эканини намойиш этди. Айниқса, боксчиларимиз, эркин ва юнон-рум курашчиларимизнинг дадил ғалабалари юртимизда спортга жуда катта эътибор қаратилаётганини халқаро майдонда яна бир бор исботлади.

(ЎзА)

Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

МУКОФОТГА «ГАЗ-31»

Кузакдаги пахтазорнинг тонгги бўлакча бўлади. Симёғочга ин қурган лайлак худди дала посбонидек бир оёкда тош қотган. Арслондек узала тушган адрлар тонг шафағида оловланади. Мезонлар ҳавода арғимчоқ ясаб парвоз қилади. Ариқлардаги сувлар тиниқ тортиб, қўнғироқдек шилдираб оқади. Ўт-ўланларнинг намхуш ифори димоққа урилади. Сон-саноқсиз чаноқлардаги бодроқдек очилган момиқ пахталарга қўнган шабнам томчилари симу зардек тозаланади. Зухрахон ана шу манзараларни томоша қиларкан, пахтазорни соғинганини фахмлади.

Эгатнинг ярмига бормаёқ учинчи этакни бўшатиши... Орқароқда ишга шўнғиб кетган маҳалладошларидан Жамилахон, Ибодатхонларга кўзи тушди. Улар ҳам Зухрахон билан изма-из теримга тушган эдилар.

«Кўчма хирмон» пахтакорлар меҳнатини муҳофазалаш, узоғини яқин қилиш учун ташкил этилган. Теримчилар пахталарини этакларга саранжомлаб «кўчма-хирмон»га йўл оладилар. Торозибон Қосимбек Қўлдошевнинг қўлиқўлига тегмайди. Ҳосилнинг чўғи ортгани сари, теримчиларнинг ҳам, бош пудратчи, ишни кузатиб турган Баҳромжон Ортиқовнинг ҳам қувончигақувонч қўшилмоқда. Навбат Зухрахон Воҳидовага келганда, Баҳромжон шодлигидан ҳайқириб юборади:

- Пахтазор юлдузи Зухрахонга офарин! Бугунгача тўплаган хирмони 1 тоннага яқинлашди.

Дарҳақиқат, Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоқ ширкат хўжалигининг 2-бош пудратчилар бригадасида ҳосил мўл бўлди. Деҳқончилик қилинаётган 52 гектар ердан пудратчилар 178 тонна пахта етиштириш юзасидан шартномавий мажбурият олишган. Бугунгача давлатга 90 тоннага яқин «оқ олтин» сотилди. Бу гектаридан 60 центнердан ҳосил олинди деган гап. Пудратчилар, айниқса, Зухрахон Воҳидова бошлиқ оилавий теримчилар кунига хирмонга 300-400 килограмдан пахта тўкяптилар.

Биз дала шийпонида ширкат касабақўми раиси Эркинжон Ҳасановни учратдик. Ишчилар ораста сўриларда овқатланишмоқда. Бу ерда ишчилар учун ҳар куни бепул иссиқ овқат ташкил қилинганлигини пайқадик. Иш жойларига теримчилар махсус транспортда келишади.

Тушликдан сўнг, терим илғорлари рағбатлантирилди. Муҳаммаджон Собиров гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариб, 10 тоннага яқин пахта тайёрлагани учун касабақўм раиси эсдалик совғаси топширди. Номлари зикр қилинган илғор теримчилар ҳар бирига йиғимтерим ишларида ўрнак кўрсатганлари туфайли 5 минг сўмдан пул мукофоти билан сийланди.

Меҳнатга рағбат бор жойда ишга унум қўшилади, муҳими кайфият кўтарилади. Шу куни пудратчиларнинг юзларида қувонч порлади. 2002 йили 52 центнерлик довондан ошиб, вилоятда номи танилган Ортиқовчилар бўлади. Ҳар гектаридан 70 центнердан «қирмизи дон» тайёрланиб, ўзларига 70 тоннага яқин буғдой қолганди. Ана шу меҳнат ютуқлари эвазига бош пудратчи Баҳромжон Ортиқов маъмурият ҳамда касабақўмнинг қўшма йиғилиши қарори билан бепул «ГАЗ-31» машинаси билан тақдирланди. Пудрат усули кони фойда эканлигини ушбу жамоа мисолида кўриш мумкин. Ўтган йилни улар пахта ва буғдойдан келган даромад ҳисобига 5 миллион сўм соф фойда билан якунладилар. Ҳар бир пудратчига иш ҳақидан ташқари 500 килограмдан буғдой тарқатилди.

«Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги вилоятда карвонбоши жамоалардан. Ўтган йил барча тармоқлардан 108,5 миллион сўмлик соф фойда олинди. Албатта, манфаатдорлик ҳам шунга яраша. 1999 йилда ҳар бир пайчига соф даромад ҳисобидан 4140 сўмдан дивидент теккан бўлса, ўтган йили бу кўрсатгич 27390 сўмни ташкил этди.

Ёрқишлоқликлар ишлашни ҳам, яшашни ҳам биладилар. Қишлоқ маркази «Обод маҳалла йили» муносабати билан кун - сайин кўркамлашиб бормоқда. «Савдо уйи», касалхона, ҳаммом мустақиллик йилларида тикланди. Чорраҳадаги гулзор ёқимли ифорлар таратиб бахри-дилингизни очади. Ўш-Жалолқудуқ асфальт йўли ёқасидаги садарайхонлар, гулу-раъноларсарин ерда чайқалиб туман марказига етгунча гўзаллик оғушида борасиз.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Қизилтепа туманидаги «Тошработ» ширкат хўжалигининг 960 гектар экин майдони бўлиб, бу ерда уруғлик пахта етиштирилади. Хўжалик миришкорлари бу йил юқори натижаларни қўлашган.

Далада ҳали пахта мўл. Ҳосилни ўз вақтида нест-нобуд қилмай териб олиш учун пахтакорлар астойдил меҳнат қилишмоқда.

Суратларда: пахтазор юлдузи Гулноза Жумаева ва унинг дугоналари.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

ЯНА БИР ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Вобкент тумани Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигининг Хажувон маҳалласида 50 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Мазкур шифо масканида акушер-гинеколог, физиотерапевт, педиатр каби малакали шифокорлар икки ярим минг кишига хизмат кўрсатади. Унда кундузги стационар ҳам бор.

МАЛИКРАБОДГА СОВҒА

Навоий туманидаги Маликрабод қўрғонида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни «Бекзод-2001» хусусий фирмаси қурувчилари бунёд этди. Қурилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга 40 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шифохонада физиотерапия, акушер-гинекология, стоматология, болалар ва умумий амалиёт хоналари ишлаб турибди. Қишлоқ врачлик пункти беш минг кишига хизмат кўрсатади.

(ЎзА)

Шаҳарсозлик

Хонобод Оллоҳ назари тушган музофотлардан бири. Хонтоғи эса Андижоннинг файзи ва кўрки ҳисобланади. Ҳаракатланувчи осма йўл орқали чиқсангиз, димоғингизга тоғ ҳавоси, кўм-кўк арча бўйи уфуриб туради. Қўшни Киргизистоннинг Жалолобод кенти, Ўзбекистоннинг унга туташ ҳудудлари кафтингизда тургандек кўз олдингизда гавдаланади.

ХОНОБОДДА КОШОНА

«Таран лубител» корхонасининг довруғи бутун республикамизга кетган. Ўқувчилар ранеци-сумкасидан тортиб, уй- рўзғор буюмларигача шу ерда ишлаб чиқарилади. Вилоятдаги энг гўзал турар-жой бинолари ва маданий-маиший иншоотларни хонободлик қурувчилар бунёд этган,.. Айтмоқчимизки, Хонобод шаҳарсозлар макони ҳамдир.

Икки ёни арчазорлар ва анвойи гуллар билан ароланган кенг асфальт кўчалар, маданият ва истироҳат боғи, тоғ бағридан жой олган оромгоҳ-профилакторий шаҳарнинг чиройини яшнатиб турипти.

Шу кунларда Хонтоғ бағрида меҳмонхоналар мажмуаси қад ростламоқда. Қурилишни «Андижонсувқурилиш» ҳиссадорлик жамоасига қарашли 2-қурилиш-созлаш участкаси бинокорлари олиб бораяптилар. «Ўзбекистонфуқаролойиҳа» институти муҳандислойиҳачиларининг лойиҳаси қурилишга асос қилиб олинган. Унга кўра, беш юлдузли меҳмонхона иншоотнинг бош корпуси ҳисобланади. Санаторий-профилакторийнинг таърифи мақтовга лойиқ. Фозилмон ота булоғининг шифобахш суви, балчиғи суяк ва ошқозон касалликларига даводир.

Мажмуа салобат ва маданий-маиший, коммунал хизмат турлари, даволаш-профилактика ишларининг сифати ва хилма-хиллиги билан Лондон ва Нью-Йорк меҳмонхоналаридан сира қолишмайди. Келгусида Хонтоғ жаҳон туризмининг энг гавжум масканларидан бири бўлиб қолиши шак-шубҳасиз. Халқаро симпозиумлар, илмий анжуманлар, меҳмонлар ва журналистлар мулоқот олиб борадиган брифинг ўтказиладиган заллар, маданий-кўнгилочар тадбирлар уюштириладиган хоналар, спорт ўйинлари учун мини ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси меҳмонлар хизматида бўлади.

Меҳмонхона Европа шаҳарсозлигининг жаҳон ҳамда Шарқ меъморчилигининг замонавий андозалари негизида барпо этилмоқда. Монтаж ишлари сифати доимий назоратда. Тикланиш ишларида бинокорлик материаллари, темир-бетон конструкциялари ва блокларининг кенг қўлланилиши қурилишнинг сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлайди. Борис Гугиев бошлиқ участка қурувчилари қурилиш-созлаш ишларида жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар. Улар водийдаги кўплаб маданий-маиший бинони қуриб фойдаланишга топширишда ибрат кўрсатган қўлигул қурувчилардир.

Хонтоғ масканида кечаю-кундуз бунёдкорлик ишлари авж олган. Қўкка ўрлаган метал ховозаларда пайвандчилар чақнатаётган учқунлар юлдуздек чарақлайди. Қурилиш материаллари ортган «Краз», «МАЗ»ларнинг қудратли гулдироси бир зум тинмайди. Бугунги кунда бутун Фарғона водийсига оби-ҳаёт улашаётган «Андижон денгизи»даги бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай жадаллик билан давом эттирилганди. Аср қурилиши номини олган сунъий денгиз иншоотларида юзлаб хонободлик қурувчилар жасорат кўрсатиб, олий нишонларга сазовор бўлгандилар.

Хонободлик бинокорлар яна олдинги маррада. Юрт ободончилиги йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётирлар.

С.СОБИРОВ

ХОРИЖБОП МАҲСУЛОТ

Жиззах тумани шаҳар билан туташиб кетган. Туманда айни пайтда 2582 та тадбиркорлар фаолият кўрсатишмоқда. Ҳозирги кунда улар томонидан 5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Улар асосан, маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, хорижбоп маҳсулотлар тайёрлашаяпти. Туман таъминот ишлаб чиқариш агрофирмаси ана шундай корхоналардан. Бу ерда 30 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Агрофирмада томат пастаси, қандолат маҳсулотлари, макарон, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина ўтган йили 87 миллион 618 минг сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Қайта ишланган ва тайёрланган маҳсулотлар нафақат республикамиз вилоятларига, балки Россиянинг Челябинск вилоятига ҳам томат пастаси каби маҳсулотни экспорт қилмоқда.

Корхона жорий йилнинг ярим йиллигида 4 миллион 700 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Туманда ана шундай агрофирмага ўхшаган иқтисодий бақувват корхоналар сони тобора кўпаймоқда. «Мармарсозлик» кичик корхонасида 15 миллион сўмлик мармар плиталари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Ғаллаорол тиббиёт коллежи, Жиззах шаҳридаги «Ғунча» болалар боғчаси, фавворалар қурилишига етказиб берилди.

Шунингдек, тадбиркор Қобилжон Сатторов раҳбарлик қилаётган «Зоиржон бобо» кўл тармоқли фирма алебастр, бўр, гишт, гипс, йўлак плиталари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул. Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган ушбу фирмада ўн турдан зиёд қурилиш ашёлари тайёрланмоқда. Фирма ташкил этилгач, 40 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланишди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Хоразм вилояти Гурлан тумани «Амударё» ширкат хўжалиги аҳолиси бу йилги иситиш мавсуми арафасида ажойиб совға олди. Энди улар уйларида табиий газдан узлуксиз фойдалана олади.

ЯНГИ ГАЗ ТАРМОҒИ

Бунга ширкат маҳаллаларини туманнинг асосий газ таъминоти тармоғи билан боғлаган янги беш километр узунликдаги газ қувури қурилиши туфайли эришилди. «Хоразмгаз» вилоят бошқармаси буюртмасига кўра «Зангори олов» хусусий ихтисослашган фирмаси қурувчилари қисқа муддатда 22 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

Бундан беш йил муқаддам «Қаршитермопласт»заводи инкирозга юз тутган эди. 1997 йилда 5,9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, мавжуд механизмлар кучидан 5 фоизгина фойдаланилган эди холос. Бокиманда қарзлар 24 миллион, иш ҳақидан тўловлар 1,8 миллион сўмдан ошиб, корхона банкрот деб эълон қилиниш арафасига келиб қолди.

«ҚАРШИТЕРМОПЛАСТ» ПОЛИЭТИЛЕНИ

Корхонада ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил этилгач, юксак сифат ўзгаришларига эришилди. Бугунги кунда тайёрланаётган полиэтилен қувурлар мамлакатимиздаги қурилиш ва саноат тизимига етказиб бериляпти.

– Дастлаб хомашёнинг вақтида етказиб берилишини таъминловчи ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди, – дейди ишлаб чиқариш цех бошлиғи У.Юсупов. – Омборларда йиғилиб қолган маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бериш, дебиторлик қарзларини ундириш, кредиторлик ва боқиманда қарзлардан қутилиш чора-тадбирлари кўрилди.

Уюшқоқлик самара берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб беш баробарга кўпайди. Жамоа раҳбари Ойбек Эгамов импорт қилинадиган хомашё – поливинилхлориддан воз кечиб, полиэтилендан фойдаланиш масаласини ўртага қўйди. Германиялик сармоядорлар билан алоқа ўрнатилиб, «Эрмафе» фирмасининг замонавий асбоб-ускуналари келтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 1939320 доч марка кредит олиб, хорижда тайёрланган экструдер линияси ишга туширилди.

Линия машинисти Шокир Жўраевнинг айтишича, ускуналар ишлаш учун ҳар томонлама қулай. Қувурларни ишлаб чиқариш жараёни электрон тарзда дисплей орқали бошқарилади. Дастлаб Шўртан газ кимё мажмуидан келтирилган полиэтилен гранулалари 200 даража иссиқликда эритилиб, шаклга келтирилади. Кейин ярим тайёр маҳсулот босқичма-босқич совитилиб, юз йилгача хизмат қиладиган чидамли қувурга айланади.

Экструдер линияси машинистлари Суннат Курбонов ва Андрей Водянкин каби илғор ишчилар замонавий техникани моҳирлик билан бошқаришни ўзлаштириб олишди. Меҳнатлари эвазига ҳар ойда 100 минг сўмгача маош олишяпти.

Технологик жараёнларини янгилиш, хомашё муаммосини ҳал этиш, харидоргир маҳсулотларни кўпайтириш йўллари қидириб топилмоқда. Бундан икки йил илгари, фақат плёнка ва турли хилдаги идишлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда «Қаршитермопласт» белгиси билан 50 хилдан зиёд маҳсулотлар бозорга чиқариляпти.

Диаметри 20 миллиметрдан 250 миллиметргача бўлган ўрта-енгил, ўрта ва оғир полиэтилен қувурлари республикамиздаги қурилиш ва саноат корхоналари томонидан кўплаб харид қилиняпти.

Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва омилкорлик билан иш юритишни талаб этади. Ташкилотчилик ва ташаббускорлик жамоани ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқди. 2001 йилда 112 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида мижозларга 900 миллион сўмликдан кўпроқ, истеъмол моллари етказиб берилди.

«Қаршитермопласт» маҳсулотлари юқори сифатли, айни пайтда арзонлиги учун ҳам буюртмачиларга манзур бўляпти. Полиэтилен қувурлар чидамлилиги билан металл қувурлардан қолишмайди.

Яқинда янгиликка қўл урилди. Заводда полиэтилендан газ қувурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда буюртмачиларга етказиб бериладиган маҳсулот тури ва ҳажми сезиларли даражада кўпаяди. Ҳаёт раҳбардан тортиб оддий ишчигача изланувчанлик ва давр билан ҳамнафас бўлишни тақозо қилади. Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг яна бир йирик корхонаси вилоят нуфузини мамлакатга ёймоқда.

– Ютуқларимизнинг боиси моддий ва маънавий рағбатлантиришда, – дейди илғор машиначи Суннат Қурбонов. – Ойлик маошлар вақтида тўланади. Қўшимча мукофот, йўл кира ва овқат пуллари бериб борилади. Ҳар доим раҳбариятнинг ғамхўрлигини сезиб, ҳис қилиб турамиз.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ПУТРАЖАЙДА КАТТА АНЖУМАН

Мазкур шаҳар Малайзиянинг бўлажак пойтахти ҳисобланади. Унинг шоҳ кўчалари, маҳобатли кўприклари, осмонўпар бинолари, қадимий осори-атиқалари кишини лол қолдиради. Кейинги кунларда бу ерда иш бошлаган Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)нинг катта анжумани жаҳон оммавий ахборот воситаларининг шарҳловчиларини ғоят қизиқтирди. Зеро, саммит иштирокчилари айни кунларда Ислом оламида йиғилиб қолган энг муҳим муаммоларни муҳокама қилдилар. Хусусан, ИКТга аъзо мамлакатлар ҳамда Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатиш масалалари кўпчилик қатнашчиларнинг диққат марказида бўлди.

Малайзия ташқи ишлар вазири Саид Ҳамид Албар, ИКТ бош котиби, марокашлик Абдул Воҳид Билқазизнинг саммитда сўзлаган нутқи, Қатар амири Ҳаммад бин Халифа ал-Тони, Афғонистон президенти Ҳамид Карзай, Чеченистон давлати бошлиғи Аҳмат Қодировларнинг билдирган фикрлари долзарб эканлигини таъкидлади.

НАТИЖА КУТИЛГАНДЕК БЎЛДИ

Озарбайжонда ўтказилган президент сайловлари арафасида турли «башорат»лар қилинган эди. Лекин, авваллари айтилганидек, «Янги Озарбайжон» партиясининг номзоди, бош вазир, собиқ президент Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев катта устунлик билан ғалаба қозонди. Унинг учун сайлов қутилари олдига келган аҳолининг 80 фоизи овоз берди. Маҳаллий матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар сайловни кенг ёритди.

«Мусават» партиясининг раҳнамоси Исо Гамбаров учун эса бор-йўғи 12 фоиз овоз берилди. Марказий сайлов комиссияси умумхалқ овоз бериш мавжуд қонун-қоидалар асосида ўтганлигини тасдиқлади.

НОРВЕГИЯНИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАРИ

Норвегия ядровий ва радиацияли хавфсизликни таъминлаш ишига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, у Россия чегаралари билан туташ Мурманск ва Архангелск вилоятларида қатор ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Норвегия ташқи ишлар вазири ўринбосари Тим Тровикнинг айтишича, иккала томондан қилинаётган хайрли саъй-ҳаракатлар яхши натижалар бермоқда.

СОҲИЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Нью-Йорк қўлтиғида фожеали ҳалокат содир бўлди. Статен Айленд соҳилига чиқиш учун яқинлашаётган паром катта тезликда бошқа кемаларга урилиб кетди. Оқибатда 10 нафар киши нобуд бўлди, 34 одам қаттиқ жароҳат олди. Айни кунларда паромни мўлжалланган нуқтага олиб чиқиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

2003 йил — Обод маҳалла йили

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Кўҳна ва қадимий Шаҳрисабз ўзининг бетакрор табиатию маҳобатли иморатлари билан машҳурдир. Ўтган йили 2700 йиллик тўйи кенг нишонланган қадимий шаҳардаги обод гўшалар, маҳаллаларни кўриб бугун кўз қувнайди. Айни пайтда туманимизда бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

31 маҳалла, 13 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида 264 минг нафар аҳоли яшайди. «Обод маҳалла йили»да 3 та маҳалла фуқаролар йиғини қайтадан таъмирланган кўркам биноларга эга бўлди. Уларда милиция таянч пунктларининг профилактика нозирлари, тарбиячи-мураббий ва маҳалла посбонлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Айниқса, «Ўрда», «Кулоллик», «Қўшҳовуз», «Қўшхона» маҳаллаларидаги ишлар кўнгилдагидек ташкил этилган. Шунингдек, бошқа маҳаллаларда ҳам кўплаб яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. «Зингирон», Саъдий, «Намозгоҳ», «Шаматон» маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари Қудрат Йўлдошев, Фарҳод Фозилов, Бўри Холмуродов, Насиба Тўраевалар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятда тутган нуфузини оширишда кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Маҳаллаларда аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Сартарошхона, савдо дўкони, маиший хизмат шохобчалари, новвойхона, оталар чойхоналари ишлаб турибди.

Маҳалла — меҳр-оқибат қўрғони. «Қўшхона» маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони, 72 ёшли Темур Турсуновга маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар яқиндан кўмак бериб туришибди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси томонидан моддий кўмак кўрсатилганида, отахоннинг қанчалик қувонганини билсангиз эди. Т.Турсунов саховатли, меҳр-оқибатли инсонлар қуршовида. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами олдидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун 200 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. 20 нафар ночор оилага совғалар улашилди.

Келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами ҳам кенг. Жамоатчиликка таянган ҳолда маҳаллаларимизнинг янада обод бўлиши учун барча имкониятларни ишга солаверамиз.

Абдурауф ЮСУПОВ,
Шаҳрисабз туман Оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

«Обод маҳалла йили» муносабати билан кўпгина маҳаллалар гўзалашиб, чирой очиб бормоқда. Пахтакор туманидаги «Олтинкўл» маҳалласида ҳам кўпгина ўзгаришлар юз берди. Айни пайтда бу ерда 2530 га яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Маҳалладаги барча ишлар фаолларнинг ўзаро маслаҳатлари билан амалга оширилмоқда.

Суратда: маҳалла фаолларидан бир гуруҳи тарбиявий-ташкилий ишлар хусусида фикрлашишяпти.

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

АЁЛ МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Мавжуда опанинг кўнгилзорини лоқайд эшитиб бўлмасди. Табиатан ҳассос қалбли, иктидорли бу аёл қонун бузилганлигини чуқур ҳис этиб, баъзи бировлардек тақдирга тан бериб ўтирадиганлардан эмасди. У кирмаган эшик қолмади. Фақат Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мутасаддилари опанинг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Мазкур қўмитанинг ёш ҳуқуқшуноси Шерзод Солижонов инсон тақдири билан боғлиқ масалага ўта масъулият билан киришди. Аёл ҳак-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳатлар идоралараро йўлланар, Шерзоднинг бир оёғи Самарқандда бўлиб қолганди. Самарқанд вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Нормуродов, қўмита ҳуқуқшуноси И.Ҳожиев Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига ҳамкор бўлди. Аммо туман тармоқ касаба уюшмаси лозим даражада қатъиятлик, ташкилотчилик кўрсата олмади.

Туман прокуратураси масалани ўрганиб, Темирйўл туман туманлараро судига даъво ариза киритди. Лекин ёлғон қоғозлар, сохта гувоҳларга таянган туман ва вилоят фуқаролик ишлари бўйича судлари ишни даъвогар фойдасига ҳал қилиб бермади. Бироқ Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Шерзод Солижонов ҳамда Иброҳим Ҳожиевлар опанинг суянч тоғларига айланишганди. Боиси Қонун у тарафда. Ёш мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан 22 варақдан иборат ҳужжат тайёрланиб, Марказий қўмита хати билан М.Сафоқулова иши Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси А.Бобоқуловга жўнатилди.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади. Адолат тантана қилди. Қонун олдида барча баробар эканлиги яна бир карра ўз исботини топди. Жорий йилнинг 18 июнида Мавжуда опанинг кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 203-моддаси 4-бандига асосан суд қарор қилди. Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилди. Мажбурий бекор юрган вақтлари учун бир йиллик ўртача иш ҳақи ундирилди.

Бир куни телефон жиринглади. Гўшакни олсам, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Маҳмуда Мирзаеванинг шодмон овози эшитилди.

«Бир келиб кетсангиз, хўп иш бўларди. Пастдарғомдан Мавжуда опа келгандилар», деди. Марказий қўмитага чиқсам, қорачадан келган, ўктам аёлнинг кўзлари қувончдан порларди.

— Касаба уюшмалари, ҳуқуқшуносларга минг бора раҳмат, ҳақ-ҳуқуқим тикланди, - деди у.

Шарофат ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фош этади

ДАВЛАТ МУЛКИ ДАХЛСИЗ

афсуски баъзи эгри қўллар буни кеч тушунишди...

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигининг ошиши агротехник тадбирлар намунали амалга оширилишига бевосита боғлиқ. Лўнда ифодалаганда меъёрида озиқлантирилган экингина кутилган ҳосилни беради. Бунда соҳани минерал ўғитлар билан етарли таъминлашнинг аҳамияти катта.

Жорий йилда вилоят хўжаликларига «Қишлоқхўжаликкимё» акционерлик бирлашмаси томонидан белгиланган миқдорда минерал ўғитлар ажратилганди. Бироқ нафси ҳакалак отган айрим омбор мудирларию, мутасаддиларнинг ғирромлиги оқибатида ўғитларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган далага етиб бормаган. Тойлоқ туман «Боғизоғон» ширкат хўжалиги омборчиси М.Сувонов Пайариқ туманидаги Н.Азимов номли ширкат хўжалиги омбор мудири О.Адилбоев билан тил бириктириб, 4 тонна селитрани Мирзаполвон қишлоғида яшовчи фуқаро А.Ҳамидовга сотиб юборган. Бу қинғир иш тезда фош бўлди.

Жомбой туманидаги Н.Эсонтурдиев номли хўжалик омбор мудири Э.Бекмирзаев 750 килограмм, Каттақўрғон туманидаги О.Маҳмудов номли ширкат хўжалиги омборчиси Ш.Худойназаров 480 килограмм ўғитни гумдон қилиб, пулини чўнтакка уришаётганда қўлга тушишди. Давлат мулкини талон-торож қилишдан тоймайдиган шахслар ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, бошқа жиноий ҳаракатларга йўл очиб беришмоқда. Масалан, самарқандлик Ш.Саъдинов 80 қоп селитрани номаълум шахсдан сотиб олган эмиш. Минерал ўғит бозорда сотиладиган оддий нарса эмаски, қишлоқ хўжалигига алоқадор бўлмаган кимсанинг қўлида пайдо бўлиб қолса?!

Айбдорлар жазоларини олишди. Бу кўргулик давлат мулкининг сақланиши, мақсадли фойдаланиш учун мутасадди бўлган кишилар учун ҳам катта сабоқ бўлиши керак.

Ш.ЭРГАШЕВ, Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори

ЧЕК БЕРМАГАН СОТУВЧИ

жарима тўлашга мажбур бўлди

Қонунни четлаб ўтишни, давлат тўловларидан бўйин товлашни кўзлаган сотувчи охир-оқибат панд ейди. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманидаги «Чорвадор» гўшт-сут маҳсулотлари дўкони соҳиби М.Насимов ҳам ана шундай қуйга тушди.

У бир йил аввал фаолият бошлаган бўлиб, дўконга назорат-касса машинасини ҳам ўрнатган. Аммо таажжубланарлиси у назорат-касса машинасини ҳамиша ҳам ишлатавермас экан.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Ўша куни дўконга кирган харидор «Доярушка» сариёғидан харид қилди. Лекин чек талаб қилмади. Дўкон соҳиби Музроб Насимовга бу айни муддао эди. Касса машинасида қайд этилмаган пулни чўнтакка уриш осон-да. Лекин у чучварани хом санаган экан. Боғишамол туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари камчиликларини аниқлаб, дўконда текшириш ўтказишди.

Маълум бўлишича, мазкур дўкон соҳиби М.Насимов сўнгги ойларда банкдаги ўз ҳисоб рақамига савдодан тушган 2.165.550 сўм накд пул топширган. Лекин унинг атиги 435.659 сўми назорат-касса машинасида қайд этилган экан. Ушбу қонунбузарлик судда кўрилиб, ғирром сотувчига 1.360.500 сўм жарима солинди. Ана шунақа, кейинги пушаймон ўзингга душман.

Ф.УСМОНОВ, жиноят ишлар бўйича Боғишамол туман судининг судьяси

ИНСОН ШАЪНИГА ДОҒ

Бухоро ва Ғиждувон туманлари орасидаги масофа анча олис. Аммо жиноят ишлари бўйича туман судларида кўрилаётган баъзи ишлар негадир моҳиятан бир-бирига ўхшаш эканлиги таажжубланарли эди. Ҳаётда, баъзида шунақаси ҳам бўлиб тураркан.

Иккала жиноий гуруҳ аъзоларининг хатти-ҳаракатлари деярли бир хил. Яъни, улар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4 қисми «а» ва «в» бандларига асосан жиноятчи деб топилиб, қилмиш хатти-ҳаракатлари одил судлов жараёнида атрофлича кўриб чиқилган. Ҳар бир жиноятчи қилмишига яраша жазосини олган.

Хўш, суднинг қора курсисига ўтириб, инсон шаънига доғ туширганлар ким?

Бизни ажаблантирган яна бир жиҳат бор. У ҳам бўлса, оилалик, туппа-тузук касбкори, иш жойи бўлган шахслар тил бириктириб, жиноятга қўл уришидир. Ўйлаб охирига етмай қоласан, киши. Наҳотки, улар бир кунмас бир кун қилмишлари фош этилиб, эл олдида шармандаю шармсор бўлиб қолишларини ҳис этмаган бўлсалар. Текин луқма, мўмай даромад топиш илинжи уларни ақлдан оздириб қўйдимикан? Нима бўлганда ҳам фалончилар нопок ҳаракатлари учун судланиб, жазога маҳкум этилибди, дейилган хабар оила аъзоларию, қавм-қариндошларини ноқулай аҳволга солиб қўйгани бор гап.

Ғиждувон туман суди биносидаги очиқ суд мажлисида (раислик этувчи Ш.Тиллабоев) судланувчилар Алишер Эргашев, Фурқат Атоев ва Сайфиддин Сариевларнинг жиноий қилмишлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларнинг хатти-ҳаракатларига одилона баҳо берилди. Жиноий тил бириктириб, қатор ширкат хўжаликлари ҳудудидан кесиб ўтувчи алоқа кабелларини ўғирлаб, кўпнинг мулкига катта миқдорда зарар етказган уччала судланувчи ҳам шу туманда туғилиб ўсган фуқаролар эканлигини айтишга тил бормайди. Уларнинг Ғиждувон ҳамда Шофиркон туман телекоммуникация боғланмаси ташкилотларига етказган моддий зарари 9.295.457 сўмга баҳоланганлигидан эгри қўллар анча вақт бу иш билан шуғулланиб келганликларини тасдиқлайди.

Қарангки, ҳеч бир кимса уларнинг мушугини «пишт» дейишга журъат қилмаган. Муттаҳамлар ўнлаб хўжаликлар даласидан кесиб ўтувчи симёғочларга чиқиб, алоқа кабелларини кесиб олиб, ўғриликни бемалол давом эттирсалару уларга ҳеч бир кимсанинг кўзи тушмаганлигига асло ишониш қийин. Ўғрилик тунда бўлган. Ўмарилган алоқа кабелларини ўша тунннинг ўзида ёқиб, ичидан мис симлар олингани ҳам чин ҳақиқат. Тунда қишлоқ чеккасидаги заҳкаш бўйида машъала ёқиладию уни ҳеч ким кўрмаслигини қандай тушунса бўлади. Участка нозирлари, халқ посбонлари, маҳалла оқсоқоли, фаоллар, участка монтёрларию хўжалик раҳбарлари қаёққа қарашди.

Иккинчи жиноий гуруҳнинг ҳаракатлари биринчисидан ҳийла фарқ қилади. Улар симёғочларга чиқиб, тўғридан-тўғри алюмин симларни ўғирлаш билан шуғулланган. Гарчи судланувчилар Омон Ўроқов, Худойберди Эгамов, Шавқиддин Шириновлар Ғиждувон ва Шофирконда туғилиб ўсган бўлсалар-да, алюмин ўғрилаш «операция» сини Когон ва Қоровулбозорда амалга оширганлар. Уюшган жиноий гуруҳнинг биргина Когон магистрал газ қувурлари тармоқ ишлаб чиқариш бошқармасига алюминий симларни кесиб, ўғирлаб кетиш оқибатида катта миқдорда моддий зарар етказишган.

Ёқубжон Зиёдуллаев раислигидаги жиноят ишлари бўйича Бухоро туман суди воқеани атрофлича ўрганиб чиқиб, уч ўғрининг кирдикорларига қонуний баҳо берди. Суд уларнинг уччаласини ҳам айбли деб топиб, Омон Ўроқовни беш йилга, Худойберди Эгамовни тўрт йилга, Шавқиддин Шириновни эса беш йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири

Саволингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Хабиба Асатова жавоб беради

САВОЛ: умумий иш стажига ходимнинг барча ишлаган меҳнат фаолияти киритиладими? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

У.НОРМУРОДОВ, Янгибозор тумани

ЖАВОБ: ходимнинг умумий асосларда ёшга доир иш стажи умумий меҳнат стажи ҳисобланади. Умумий иш стажи белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат асосида аниқланади. Умумий иш стажига қуйидагилар киради:

1)фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

Фермер ёки ширкат хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра хўжаликда белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларга иш стажи ижодий уюшмалар бошқарувчи томонидан, унинг биринчи босилган ёки дастлабки ижро этган ёхуд мазкур муаллифнинг асари биринчи марта оммага кўрсатилган кундан бошлаб, агар у бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб турган бўлса, иш стажига киритилади;

2)ҳарбий хизмат, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органларидаги ҳамда чегара қўшинларидаги хизмат даври;

3)ҳарбийлаштирилган соқчилик, махсус алоқа органлари ҳамда тоғ-қутқарув қисмларидаги хизмат даври, қайси идорага бўйсинишидан қатъий назар;

4)диний ташкилотларда ишлаган даври, агар улар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келган бўлсалар;

5)юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даври;

6)алоҳида фуқароларга ёлланиб ишлаган даври (уй ходимлари, котибалар, энагалар, ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар), агар улар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб келган бўлсалар;

7)асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлган ва махбусликни ўтаган даври;

Саноатнинг мавсумий тармоқларидаги корхоналарда банд бўлган ходимларга мавсум давомидаги иш бир йилга, мавсумда тўлиқ ишламаган тақдирда, ҳақиқий ишлаган даври ҳисобга олинади.

Деҳқон хўжалиги аъзоси, йил мобайнида ишлаб, ундан камида 9 ой бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига белгиланган тартибда суғурта бадали тўлаган бўлса, ушбу даврни календар йили ҳисобланади.

Табиий офат, фалокат, фожеа ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман сақланмаган бўлса, иш стажини тасдиқлаш Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан тузиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар амалга оширади.

Қисман сақланган ҳужжатлар ҳамда гувоҳлар кўрсатмалари асосида юқорида кўрсатилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари ҳужжатлар билан тасдиқланган иш даври сингари ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Оғриқ нуқталар

ЛОҚАЙДЛИК, ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

қимматга тушмоқда

Болалар - келажагимиз. Кам таъминланган ва вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши.

Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлари ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилятпи. Прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Муборак туманида ўтказилган текширишлар бу борада қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Туманда 4 та қишлоқ, 13 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, туман молия бўлими томонидан ижтимоий муҳофазага ажратилган маблағлар ўз вақтида молиялаштирилган. Бироқ 16(18) ёшгача болалари бор оилаларга 9 миллион 493 минг сўм ўрнига 8 миллион 641 минг сўм берилган. 852 минг сўм вақтида тарқатилмаган.

Икки ёшгача бола парвариши билан банд оналарга 13 миллион 985 минг ўрнига амалда 9 миллион 864 минг сўм берилган холос. Қолган 4 миллион 121 минг сўм маблағ асоссиз кечиктирилган.

Июл ойи учун тайинланган моддий ёрдам ва нафақа пулларининг берилишида ҳам қонунбузарликлар содир этилган. Туман бўйича икки ёшгача бола парвариши билан шуғулланаётган ишламайдиган оналарга 12 миллион 869 минг сўм, 16(18) ёшгача фарзандлари бор оилаларга 8 миллион 694 минг сўм ва кам таъминланган оилаларга 473 минг сўм моддий ёрдам пуллари вақтида етиб бормаган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «16(18) ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 28-банди талабларига Халқ банки Муборак бўлимининг раҳбарияти амал қилмаган.

Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Ҳеч жойда ишламайдиган ва икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарга ойлик нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ажратилган маблағлар Халқ банки бўлимлари томонидан ойнинг 25-кунида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда палапартишликка йўл қўйилган. Масалан, Мусаллам Сафарова, Райҳон Қурбонова, Соҳиба Тиркашева, Феруза Рўзиева кабиларга белгиланганидан ортиқча нафақа тўлаб юборилган.

Бюджет маблағларини беҳудага сарфлаш қонунбузарлик ҳисобланади. Бундай камчиликлар «Қурувчилар», «Машъал», «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам аниқланди.

Шаҳрисабз туман молия бўлими ходимлари ўтказган текширишларда «Чўлпон» маҳалла фуқаролар йиғинида 22675, «Ўрда» маҳалласида 42028, «Маърифат» маҳалласида 10880, «Уйчилик» маҳалласида 15418 сўм икки ёшгача болалари бор оилаларга ноқонуний нафақа пули тўланган.

Тумандаги «Пахтакор», «Саъдий», «Оқсарой», «Хабарлик», «Писанди» маҳалла, «Мироқи» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам нафақаларни расмийлаштиришда катта камчиликлар учради. Умуман, йилнинг ўтган чорагида туманнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 175102 сўм нафақа пуллари ошиқча тўланган.

Аҳолининг вояга етмаган болаларини ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифа. Туманлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, Халқ банки мутасаддиларининг эътиборсизлиги туфайли ана шундай нуқсонларга йўл қўйилган. Бу борадаги ўзибўларчилик қимматга тушмоқда.

ЁЛҚИН

Тарихимизни ўрганамиз

«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК»

Сомонийлар сулоласи таназзулга юз тутгач, XI асрнинг иккинчи ярмига келиб, қорахонийлар давлатининг ҳудуди Юқори Чиндан Фарғона ерларигача, ундан Бухорои Шариф сарҳадларигача чўзилган улкан масофани ташкил қилар эди. Бундай улуғ ҳокимиятга Тавғоч Буғрохон ҳам эгалик қилиб турган. Баъзи тарихий манбаларда Буғрохон Испижоб ва Тароз шаҳарларигагина ҳукмдорлик қилганлиги қайд этилади. Бундай қараш ҳақиқатга хилофдир. Аввало, Испижоб ва Тароз иккаласи икки хил ном билан аталиб келинган бўлса-да, у бир шаҳарнинг номидир. М.Қошғарийнинг Боласоғунда ёзилган «Қутадғу билик» асарини Буғрохон буйруғи билан унинг номига атаб ёзилиши, майдони Қирғизистоннинг Ўш шаҳригача бўлган ҳудудлар ҳам унга тегишли эканлигидан далолат беради.

Чингизхон тасарруфидан кейин турк тилини «Чиғатой тили» деб аташ расм-одат бўлганидек, XI асрда бу тилни «Буғрохон тили» деб аталганлиги М.Қошғарий томонидан аниқ қилиб айтилган. Бу даврга келиб шаҳар ва вилоятлар иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан тараққий этган сари, улар ўртасида тил жиҳатдан ҳам талай муаммолар мавжуд бўлиб бораверган эди. Буғрохон ҳукмронлиги остидаги бу тил хилма-хиллигига барҳам бериш, тилда маълум адабий тил муҳитини яратиш истагида Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарини ёзди. Унинг мазкур китоби ўзбек тилшунослиги тарихида алоҳида саҳифа бўлди. Шу боис ҳам биз М.Қошғарийни туркология фанининг бобокалони деб аташга ҳақлимиз. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалган эмас. Шу жиҳатдан ҳам уни жаҳон бўйлаб ўрганиш анчайин кечикиб, 20-йиллар охиридан бошлаб тадқиқ этила бошланди. Бу эса жаҳон туркологлари томонидан асарга баъзи нотўғри мулоҳазалар айтилишига ҳам сабабчи бўлди. Масалан, немис олими Бергштрессер «Девон»ни ҳижрий 850-йилда вафот топган Абу Иброҳим ал-Фаробийнинг араб тилида яратган «Девонул одоб» деб номланган асарини таржимаси деб эълон қилди. М.Қошғарий гарчанд Қошғарда туғилган бўлса ҳам, бутун ҳаёти Болосоғунда ўтган. У 1068 йилда бу асарни ёзиб тугатганида, умр фусулининг шоҳсупасига ўтирган эди. Буюк олим уч жилддан иборат улкан асарини кўп йиллар машаққат чекиб, Чин Мочиндан тортиб, Хазар денгизигача чўзилган катта масофани пиёда кезиб чиққан. Бу ҳудудларда яшовчи қабила, уруғ ва қавмларнинг касб-корларини, турар манзилларини, нуфузларини аниқлайди, уларнинг тилларини синчиклаб ўрганади. Натижада бу улкан масофаларда ёйилиб кетган туркий халқларнинг барча қабилаларини жуда пухта ва мукаммал аниқлашга муваффақ бўлди. Ҳатто у, ҳар бир сўзнинг қайси қабилага тегишли эканини, сўзларнинг қадимги ва ҳозирги вариантларини, талаффузда қабилалар орасидаги мослик ва фарқларни аниқлаб чиқди. Қошғарийнинг «Жавоҳирун маҳви фил луғотит турки» – «Туркий тилларнинг грамматик қоидалари» деган асари ҳам мавжуд эди. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган. Унинг айтишича, бу асарнинг ёзилиши «Қутадғу билик»дан ҳам мураккаброқ бўлиб, бу китоб унинг умрини поёнига етказган. Қошғарийнинг қаерда, қачон, қанча ўқигани ҳақида бирон бир маълумот йўқ. Туркий тиллар соҳасида биринчи қоида яратган бу олим ҳеч шубҳасиз ўз даврининг энг юқори фозилларидан бўлган. У араб, форс ва турк тили ва адабиётини чуқур эгаллаган. М.Қошғарий «Девону луғотит турк» китобининг кириш қисмида шундай деб ёзади: «Мен туркларнинг, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳар, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар ўрганиб чиқдим. Мен бу ишларни тил ўрганиш учун эмас, балки бу тилларнинг ҳар бир кичик тафовутларини аниқлаб бериш учун қилдим. Мен тил билишда уларнинг энг етуклари бўлиб, уларнинг энг эски қабилаларига мансуб кишиларидан бири эдим». Бу сўзлар шубҳасиз улуғ олим шахсиятининг машҳурлигини яққол билдириб туради. М.Қошғарийга бу тўплаб ўрганган бебаҳо тил фактлари ўша давр тилининг фонетикасини, лексикасини, морфологиясини ва диалектологиясини илмий асосда изоҳлашга хамиртуруш бўлиб хизмат қилди. Бу асарида у омоним ва синонимлар, антоним метатезалар, сўзларда тўлиқ ва қисқа вариантлилик диалектал лексика ва бошқа кўпгина хусусиятлар биринчи маротаба тилшуносликнинг мустақил бўлимлари сифатида изоҳлаб берилди. У айниқса, қабилалар масаласига алоҳида аҳамият беради. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқни бошдан-оёқ тартиб билан ўрганиб чиқди. Натижада у анчайин мураккабликларга эга бўлган қабила, элат ва уруғларни ҳам, уларнинг тил хусусиятларини ҳам қадимдан шу ерларда ўсиб-унганликларини ҳам, кейин келиб жойлашганликларини ҳам, бир қабилага мансуб бўлган сон-саноқсиз уруғларни ҳам пишиқ пухта ўрганиб чиқди. Лингвист олим ана шу асосда ўша давр савиясига мос бўлган думалоқ харита тузиб, унда қуйидаги қабилаларни илова қилади:

«Рум яқинидаги қабила бажанак, сўнг қипчоқ, сўнг ўғуз, сўнг ямоқ, сўнг бошқурд, сўнг басмил, сўнг кой, сўнг ябақу, сўнг татар, сўнг қирғиз – булар Чин яқинида Рум ёнидан Чинга қадар чўзилган қабилалардир. Ундан келадиган қабилалар чигил, сўнг тухси, сўнг яғмо, сўнг иғроқ, сўнг жоруҳ, сўнг жумул, сўнг уйғур, сўнг танғут, сўнг хитой – Чин шаҳридадир», деб маълумот беради. Буюк олим бу қабилаларни тарихий асосда ёритади, илгаридаги катта мавқега эга бўлиб, Маҳмуд Қошғарий яшаган даврга келиб, эргашув ҳолатига тушиб қолган қабилалар: қарлуқлар, тангутлар ва басмиллар девонда атрофлича изоҳланади. VI-VIII-асрлардан бизга мерос тарихасида етиб келган Урхун - Энасой ёдгорликларидан маълум бўлишича бу қабилалар IX-X асрларгача илғор мавқеини эгаллаб турган. XI асрга келиб эса, улар ўз тароватини йўқотиб, бошқа қабилалар таркибига мошкичири бўлиб сингишга улгурган. М.Қошғарий ҳатто илгаридаги бу ерларга бошқа халқлардан келиб қўшилиб қолган қабилаларнинг тили, урф-одати, яшаш жойлари ҳақида ҳам янги-янги маълумотлар бериб боради. Жумладан тубутлар ҳақида мулоҳазалар билдириб шундай дейди: «Тубутлар турк диёрида яшовчи бир қавм. Кийик мушки (кийикнинг киндигидан кесиб олиб тайёрланадиган муаттар ҳидли суюқлик) худди шу тубутларда бўлади. Бу қавм бир ёмон жиноий иш қилиб, Ямандан қувғунга учраб, денгиз йўли орқали Чинга бориб ўрнашиб қолган. Улар асли бани Собит авлодларидан ҳисобланади. Улар тахминан бир минг беш юз парсах ерда ёйилиб яшайдилар. Шарқ томони Чин, Ғарби Кашмир, шимоли Уйғур, жануби эса Ҳинд денгизидир. Улар ўз тилларини йўқотиб, туркий тилни ўзлаштириб олган бўлсалар ҳам ҳануз уларнинг сўзларида ўз тилларига мослаштириш фарқи сезилиб туради». «Девон»даги адабий парчалар ва улар ҳақидаги олимнинг уқтиришлари, унинг шеърият олами билан анчайин кенг шуғулланганлигини кўрсатади. У ўз асарида йўл-йўлакай бўлса-да, шеърий вазн ҳақида, жанрлар, истиора, ташбеҳ ва бошқа поэтик хусусиятлар ҳақида маълумотлар беради. У VI асрда яшаган аруз ҳақида асар ёзиб, дунёга танилган Халил ибн Аҳмад асарларини ўқиганлигига ишора қилади. Бу хил фикрлар XI асргача ҳам ўзбек адабиёти, хусусан шеърият Қорахонийлар давлатида анчайин ривож топганлигини кўрсатади. «Девон»да келтирилган қатор ўнлаб шеърий парчалар туркий халқлар ижодида XI асрдан аввал ҳам катта шоир ва олимлар ўтганлигидан далолат беради. Машҳур «Тарихи Комил» асарининг 10-жилдида Ибнул Асир, Мусо Хоразмийлардан ҳам олдин Ўрта Осиёдан етишиб чиққан фалакиёт олими Қутулмишнинг ўз даврининг тенгсиз олими эканлигини эълон қилади: «Фалакиёт ва илми нужумга ягона туркий олим Қутулмишнинг бошчилик қилиши ҳайрон қоларли ҳолдир». Бу улуғ олимнинг муборак номлари Беруний нинг «Ҳиндистон» номли асарида ҳам зикр этилади. Шулардан келиб чиқиб, XI асргача ҳеч шубҳасиз бир қанча «буюклар» ва уларнинг машҳур асарлари мавжуд бўлган. Бундай ёзма ёдгорликларнинг аксарияти VIII аср ўрталаридан бошлаб араблар томонидан йўқотила бошланган. «Низомут таворих» ва «Китоби Банокотий» каби асарларнинг маълумот беришича, туркий халқларнинг мих хатлар билан битилган ёдномалари ҳам араблар томонидан бузиб ташланган.

Бу ҳақда X-XI асрда яшаган Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деган капитал асарида Хоразм маданиятини «кунпаякун» қилган босқинчиликлар хусусида шундай деб ёзган эди: «Қутайба хоразмликлардан ёзув билган кишиларнинг, уларнинг асарларини сақлаган кишиларнинг бирортасини қолдирмай хароб қилди, йўқотиб юборди. Маданий ёдгорликларни вайрон қилишда Қутайбанинг ваҳшиёна ҳаракатларини тасвирловчи маълумотлар Ибн Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ҳам батафсил келтирилган.

«Девон»да келтирилган ўнлаб шеърий парчалар энг қадимги ўтмиш ижодкорларнинг бисотидан олинган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ябақу ва басмиллар ўртасидаги курашни тасвирловчи Арслон текиннинг ўтмишини эслатувчи парчаларда Қултегин обидаларида акс этган пайтдаги манбалардан олган бўлиши мумкин. Худди шу VIII аср бошларида ябақу ва басмил қабиласи туркий халқлар орасида энг етакчи мавқега эга бўлиб турган эди. Девонда йўл-йўлакай бўлса-да географик маълумотларни берилиши ҳам диққатга моликдир. У ҳудудсиз кенг жойларда қўним топган бир неча шаҳар ва қишлоқлар, денгиз ва кўллар, дарёлар ва уларнинг тарихидан сўз очади. Бу ерларда яшовчи уруғ ва қабилалардан, ҳайвон ва ўсимликлардан маълумотлар келтиради. Шу жиҳатдан ҳам бу асарнинг қиймати бениҳоя юксакдир. «Девон»да йигирмадан ортиқ туркий қабилага, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларга, кўплаб уруғ ва элатларга илмий изоҳ бериб ўтади. Жумладан, ўзи яшаб ўтган Боласоғун (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ) шаҳри қадимда Қузурду ундан ҳам олдин Қузулус номлари билан аталиб, бу ердаги аҳоли Самарқанддан кўчиб борган суғдоқлардан иборат эканлиги айтилади. Хоразмнинг шимолида жойлашган Журжон вилоятига тавсиф берар экан, у юртнинг қавмлари илгари Хоразмнинг Мансура деган шаҳаридан келиб қолганлигини аниқ айтади. Бунга Хоразмни жуда яхши билган Ёқут Хамавийнинг «Муъжамул булдон» китобининг 3-жилдида келтирилган қайдлар ҳам яхшигина далил бўла олур. Мансура деган шаҳарни Жайҳун суви ювиб юборганлиги ҳақидаги маълумотни Абу Райҳон Беруний ҳам «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида айтиб кетган эди. Ёқут Хамавий эса Мансурани Чингизхон истило қилмасдан аввал ўз кўзи билан кўриб, бу шаҳарни тенгсиз гўзаллигини ҳикоя қилган эди. Дамашқда мударрислик қилган устоз олим Ҳожиб бинни Молик бинни Эркин Фарғонада яшаб истиқомат қилганлигини Маҳмуд Қошғарий завқ билан келтириб ўтади. Зеро, Беруний яшаган даврда шундай исмлик фалакиёт олими Фарғона музофотида яшаб ўтганлигини Ёқут ҳам ўз асарининг 6-жилдида келтириб ўтади. Маҳмуд Қошғарий туркий қабилалар ҳақида лингвистик асар яратар экан, у ерларнинг ҳар бирини ўзи бориб кўриб, қаноат ҳосил қилган эди. Уларнинг қадим ўтмиши ҳақида фикрлар юритганда, араб тарихчиларининг туркий халқлар ҳақида ёзган тарихий хроник асарларига мурожаат қилади. Масалан, қирғизлар ҳақида гапирганда, III асрнинг 1-ярмида яшаган Абудўлафнинг тарихий ҳужжатларидан маълумотлар келтиради. М.Қошғарий Тошкент шаҳри ҳақида фикр юритар экан, уни араб манбаларида Шош, тожикчада Чоч ва қадимий турк манбаларида Тиркан деб аталиб келинганлигидан хабар беради. Тиркан қадимда ўқ-ёй ишлаб чиқариш бўйича Шарқда машҳур бўлган. Шу жиҳатдан ҳам Абулқосим Фирдавсий ўз «Шоҳнома»сида Рустами Достон билан тирканлик Ашкобул жангини мароқ билан тасвирлаган. Тошкентдаги бугунги «Ўқчи» маҳалласи ҳам қадимги Тирканднинг жанг қуроллари етказиш бўйича машҳурлигини тасдиқлайди. Самарқанд шаҳрининг номини этимологик таҳлил қилар экан, уни қадимда «Семизқанд», яъни семиз ёки катта шаҳар деган номдан келиб чиққанини уқтиради. Олим ўзи яшаб ўтган Боласоғун яқинидаги «Барсаған» деган шаҳар ҳақида маълумот берар экан, бу шаҳар ҳозирги Ўш шаҳрининг атрофида бўлиб, катталиги ва ободлиги бўйича Қошғар, Арғу ва Жикил каби шаҳарлардан қолишмаслигини нақл қилади.

Ҳозирги Ўшда Соғунбой, Соғуний деган исмларнинг сақланиб қолиши ҳам Боласоғуннинг ўтмишини аниқ кўз олдимизга келтириб туради. Бу шаҳарнинг, ҳатто Қорасингир деган жойи ҳам ободлиги жиҳатидан машҳур эканлиги эслатилади. Бу ерда яшовчи туркий халқ «буғдой» сўзини бузиб «будғой» деб талаффуз этади, деб маълумот беради Қошғарий.

М.Қошғарий тилшунослигимиз тарихида катта мавқе тутиб келган Қарлуқлар ҳақида маълумот етказар экан, бу қабила кўчманчилардан иборат бўлиб ўғизлардан фарқ қилишини, улар аслида туркманлардан ажралиб чиққанлигини далиллар билан исбот қилади. Қарлуқлар ҳақида «Девон»да ўнга яқин жойда тўхталиб, уларни етакчи қабила эмас, балки бошқаларга тобе эканлигини маълум қилади. Қарлуқларнинг «Чўғилон» номли қавми машҳур бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Маҳмуд Қошғарий тилшунослигимиз тарихида кенг ишланган «қипчоқлар» ҳақида илмий изоҳ берганда ҳам, уларнинг яшаган манзилларини аниқ картографиясини беради. Қипчоқларнинг Қашқарга яқин бўлган «Товар» номли хос шаҳри бўлган. Улар Тароз яқинидаги Кантуан шаҳри яқинигача чўзилган сарҳадларда истиқомат қилишган.

Тилшунослигимиздан маълумки, туркий халқларнинг бой тилидан жуда кўп сўзлар ўзлашиб, рус тили таркибига ҳам кириб кетган. Масалан, жомадон-чемодан, Саратов-сарато(ғ), Тюмень-туман, молокомол оқи, колбаса-қўл боса, кирпич-қирпеч (ғишт) каби юзлаб сўзлар турли даврларда туркий халқларнинг тилидан ўтган. Худди шунга ўхшаб Қипчоқларнинг Товар шаҳридан олиб бориладиган савдо моллларига «эш» бўлиб кузатиб борган кишиларни руслар «товар эш» деб атаганлар. Бугунги «товарищ-ўртоқ» сўзининг этимологиясини шундай деб ҳам тушуниш мумкин. Чунки руслар қипчоқларни половецлар номи билан аташиб, улар билан жангу-жадалда жуда кўп марта тўқнаш келганлар. Тошкент шаҳрида «қаъни», «қанғли» номи билан аталиб келинадиган маҳалла-маскан бор. Ана шу қанғлилар ҳам қипчоқларнинг бир элати сифатида машҳур бўлганлигини Маҳмуд Қошғарий эслатиб ўтади. Маҳмуд Қошғарий туғилган юрти Қошғарни таништирар экан, уни қадимда Алп Эр Тўнга бунёд қилганлигини, унинг ўғли эса, Барсағам шаҳрини қурганлигини айтиб ўтади. Чиндан ҳам Афросиёб ёки Эр Тўнганинг Барсағон деб номланган ўғли мавжудлиги ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар бор. Олим, Алп Эр Тўнганинг номини форс-тожиклар Афросиёб деб атаганлигини аниқ қилиб айтади. Шу каби барча алп-полвон, эр-эркак, тўнгафилни ҳам бир ҳамлада йиқитадиган йиртқич ҳайвоннинг номи эканлигини изоҳлаб кетади. Унинг маълумотича, Алп Эр Тўнга Фаридуннинг Тур деб номланган ўғлининг набираси Хўшангни ўғлидир. Қисқаси, бу улкан тилшунослигимиз тарихига доир асарда жуда кўп фанлар тарихига оид кўплаб маълумотлар учрайди. Шундай асар Ўзбекистонда фақат бир марта жуда оз тиражда босилиб чиққан. Унга ҳам қирқ йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бугунги ўқувчилар Қошғарийнинг бу китобини қўл билан ушлаб, ўқиб кўриш бахтига муяссар эмас. Чунки, бу асар сувга чўккан тошдек аллақачонлар шахсий кутубхоналар сандиғига сингиб кетган. Уларни қайта чоп этиб, меросимизни янада чуқурроқ тадқиқ этишимиз зарур. Бу асар 20-йиллардаёқ немис тилига таржима қилинган. 30-йилларга келиб, Босим Аталай Анқарада турк тилига таржима қилган. Биз ҳануз бундай шарафли ва оғир ишни зиммасига олиб, сабр-бардош билан уни ўзбек тилига (тўрт китобдан иборат) таржима қилиб берган профессор Содиқ Муталлибов домладан миннатдормиз. Шу олимнинг саъй-ҳаракати билан 60-йилларда мазкур фундаментал тадқиқот ўзбек диёрига тарқатилди. Бугун унинг луғатларида ўлик тилга айланиб бораётган юзлаб, балки минглаб сўзларни ўрганиб, элимиз бисотига қўшиш, долзарб масала деб ўйлаймиз. Чунки туркийларга дахлдор XI-XII асрларда яратилган бундан зўр, илмий қиммат эга бўлган асарлар йўқ. Уни қадрига етиб, эъзозлаб ўрганиш бугунги зиёлиларимизнинг бурчидир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди
Ўзбекистон Фанлар академияси
Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

«ПАХТАКОР» ЧЕМПИОН!

«Нефтчи» – кумуш медал соҳиби. Учинчи ўрин кимга насиб этаркин?

Мавсум ибтидосида ўртага ташланган саволлар бир-бир ечимини топмоқда. Жуда кўпчилик - мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам башорат қилганидек, ўтган йили нафақат таркиб, балки ўйин мазмуни жиҳатидан мутлақо ўзгача кўриниш ҳосил қилган «Пахтакор» бу мавсум ҳам чемпионлик учун асосий даъвогар сифатида тўп суриб, ўз шинавандалари ишончини оқлади. Жамоа икки тур аввал чемпионлик унвонини такрор ўзиники қилиб олди.

Очиғи, Қаршида маҳаллий «Насаф» билан бўладиган беллашувга тошкентлик ишқибозлар пича хавотирланиб ёндошган эдилар. Бу бежиз эмас. Бултур айнан ушбу жамоа бўлажак чемпионни ҳар томонлама мағлуб этиб, «Пахтакор»га қарши ўйнаш мумкинлигини амалда исботлай билган эди. Ўша сценарий бу йил ҳам такрорланиши тахмин қилинган эса-да, биз бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Майдон эгаларининг ғалаба учун бўлган иштиёқини инкор этмаган ҳолда, бемалол айтишимиз мумкинки, «Пахтакор» футболчилари маҳорат борасида бир мунча устун эканликлари яққол кўзга ташланди. Биз халқаро учрашувлар зое кетмаганлигини кўрдик.

Гарчанд пойтахт жамоаси Анвар Солиев ижросидаги бир гол билан кифояланган бўлса-да, яна кўплаб қулай имкониятларга эга бўлганини эътироф этмоқ лозим. Гоҳ дарвозабон Петр Гизимчукнинг тажрибаси ва чапдастлиги туфайли, гоҳ эса ҳужумчиларнинг сўнгги зарбани нотўғри берганликлари оқибатида кичик ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Бу ғалаба «Пахтакор» жамоасини кутилган чемпионлик манзилига муддатидан илгари элтган бўлса, «Насаф»нинг бронза медали учун имкониятларини жуда тушириб юборди. Агар жамоа қолган уч учрашувнинг иккитасини сафарда ўтказишини назарда тутадиган бўлсак, масала янада ойдинлашади. Қолаверса, Қаршида меҳмонда тўп сурадиган «Цементчи» учун ҳам очко сув билан ҳаводек зарур. Кўриниб турибдики, ҳеч бир матч осонликча кечмайди.

Турнинг энг муҳим учрашувларидан яна бири Фарғонада бўлиб ўтди. «Нефтчи» жамоаси «Қизилқум» клуби футболчиларини қабул қилди. Муросасиз ўйин сўнгги дақиқаларгача кескин курашларга бой бўлди. 85-дақиқада Умид Исоқов ҳисобни очиб «Нефтчи»га ғалаба келтиргандек туюлган бир пайтда Марсел Идиатуллин жавоб тўпини киритиб, нафақат жамоасини мағлубиятдан қутқариб қолди, шунингдек, ўз голлари сонини 23 тага етказиб моҳир тўпурар деган шараф соҳибига айланиш учун ҳам яна бир қадам ташлади. Дуранг «Нефтчи» кумуш медали билан кифояланганлигини билдирса, «Қизилқум» учинчи ўрин учун ҳали курашни давом эттириш имконини йўқотмаганлигини тасдиқлади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро»-«Сурхон»-4:1, «Андижон»-«Цементчи»-4:0, «Қўқон-1912»-«Дўстлик»-2:1, «Навбаҳор»-«Гулистон»-2:1, «Самарқанд-Д»-«Металлург»-4:0, «Трактор» - «Машъал» - 3:2

27-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**28**	**25**	**2**	**1**	**80-19**	**77**
2.«Нефтчи»	**27**	**21**	**2**	**4**	**74-32**	**65**
3.«Навбаҳор»	**27**	**17**	**5**	**5**	**55-26**	**56**
4.«Қизилқум»	27	16	4	7	56-27	52
5.«Насаф»	27	16	3	8	51-37	51
6.«Машъал»	27	12	4	11	44-36	40
7.«Сурхон»	27	10	4	13	30-49	34
8.«Андижон»	27	9	6	12	35-34	33
9.«Самарқанд-Д»	27	10	2	15	38-41	32
10.«Дўстлик»	27	9	3	15	35-52	30
11.«Бухоро»	28	9	2	17	46-43	29
12.«Қўқон-1912»	27	9	0	18	38-63	27
13.«Металлург»	27	7	5	15	31-61	26
14.«Цементчи»	27	6	7	14	33-58	25
15.«Трактор»	**27**	**7**	**4**	**16**	**31-59**	**25**
16.«Гулистон»	**27**	**6**	**3**	**18**	**22-57**	**21**

«ҲАМКОРБАНК» ТЕРМИЗДА

Сурхондарёда ишбилармон ва тадбиркорлар, корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат қилаётган банклар сони яна биттага кўпайди. «Ҳамкорбанк»нинг Термиз бўлими иш бошлади. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкида «Вестерн-Юнион» халқаро тўлов тизими йўлга қўйилган. У Жаҳон банки, халқаро Молия корпорацияси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Бош қароргоҳи Андижонда жойлашган ушбу банк мижозларга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сўм ва хорижий валюталарда қарз бериш, лойиҳаларни молиялаштириш, экспорт-импорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олиш, банк ва молияга доир маслаҳатлар бериш каби операцияларни амалга оширади.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Янгийўл тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли савдо тармоқлари пахта йиғим-терими мавсумида кенгайтирилган иш режимига ўтган. Улар одатдагидан икки соат олдин иш бошлаб, икки соат кеч тугатяпти. Мавжуд 67 қишлоқ дўконидаги янгича иш тартиби теримчилар учун қулайлик туғдириш билан бирга кундалик савдо тушумини ҳам кўпайтирмоқда.

Матлуботчилар тумандаги ўн ширкат ва юзлаб фермер хўжаликларига буюртма асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ва иссиқ кийим-кечак етказиб беряпти.

Иккита автодўкон ҳам қатъий жадвал асосида хизмат кўрсатяпти. Ҳозирга қадар пахтакорларга тўрт миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

(ЎзА)

ЖУРНАЛИСТ ВА КАСБ ЭТИКАСИ

Нодавлат-нотижорат ташкилот мақомига эга «Мулоқот» журналистлар клуби ўз лойиҳа дастурлари бўйича очиқ жамият институти – Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. У Қарши, Термиз ва Денов шаҳарларида ўзбек журналистикаси муаммоларига бағишланган қатор минтақавий семинарлар ўтказди. Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида ҳамкорлар ташаббуси асосида навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги газета таҳририятлари, телерадиостудиялар ҳамда турли идоралар матбуот хизмати вакиллари иштирок этишди.

Анжуман ўз олдига бугунги ўзбек матбуоти ривожи йўлидаги муҳим масалалардан бири—журналист касб этикаси ва унинг ОАВ амалиётига татбиқ этилиши борасида соҳа вакилларининг ўзаро фикр алмашувига эришишни мақсад қилиб қўйди. Зеро, журналист касб этикаси бир томондан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари тизимида ўзини-ўзи бошқариш механизми яратилишига, бошқа томондан профессионал ижтимоий фикрнинг вужудга келишига ҳамда профессионал журналистлар уюшмаларининг ташкил этилишига катта ҳисса қўшади. Шу билан бирга касбий ахлоқ меъёрлари журналистнинг ҳалоллик, ҳаққонийлик сингари асосий қадриятлари ва мажбуриятларини ҳам белгилайди.

Семинарда мамлакатимиз ва хорижда журналист этикаси тамойиллари ҳамда эркин ахборот муҳити, унинг ўзини-ўзи бошқариш манбаи сифатидаги роли каби масалалар қизғин муҳокама этилди.

Т.ШЕРНАЕВ

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Соғлиқни саклаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида таянч-ҳаракат тизимлари жароҳатлари ҳамда касалликларини аниқлаш ва даволаш борасида кўплаб янги, замонавий шифо усуллари қўлланилмоқда. Бемор вужудида оғир асорат қолдирмайдиган, ахволи қисқа вақтда ўнгланиб кетишига ёрдам берадиган бундай янгиликлар мамлакатимиз тиббиёт фани эришаётган ютуқлар сирасига киради.

Институтда ҳозир 172 ўринли клиника, поликлиника ва тез ёрдам пункти, бир қанча лаборатория ва бўлимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ўткир жароҳат олган беморлардан ташқари, туғма ва жароҳатдан кейинги асоратлар ҳам даволанади. Кунига юз нафардан кўпроқ беморга консультатив диагностик хизмат кўрсатилади.

- Туғма, бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланган ёки ҳасталиклар оқибатида фаолияти сустлашган чаноқ-сон бўғими ҳасталикларини аввалари бутунлай даволаш имкони йўқ эди. Ҳозирги кунда бу борада тараққий этган давлатларда кенг қўлланилаётган эндопротезлаш усулидан фойдаланяпмиз,- деди институт директори Мирҳаким АЗИЗОВ ЎзА муҳбирига.- Бунда хориждан олиб келинаётган эндопротезлаш воситалари қўл келяпти.

Таянч-ҳаракат тизимлари жароҳатланганда, ҳасталиклар асоратида шикастланганда, болалар ва ўсмирлар суягидаги туғма нуқсонларни бартараф этишда олимларимиз кейинги йилларда ишлаб чиққан остеосинтез усулларидан фойдаланяпти. Бундан ташқари, туғма сон чиқишининг икки томонлама ёт фани олдида турган муҳим вазифалардан бири. Институтимиз олимлари умуртқа поғонасида кечадиган бундай ҳолатни ўрганиш ва даволаш юзасидан муайян натижага эришди. Шошилинч ёрдамга ўтказиладиган очиқ оператив усуллари, регионал антибактериал лимфатик терапия, «Страйкер» тизими мосламалари, тизза бўғимини артропластика қилиш сингари янги усуллар яхши самара бермоқда.

Остеопороз, яъни суяк тўқималари нозиклиги муаммосини ўрганиш жаҳон тиббиёт фани олдида турган муҳим муҳтож беморларга тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида антиоксидант терапия ва иммунокоррекция усуллари ишлаб чиқилди.

Институт хорижий давлатлардаги илмий марказлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Олимларимиз травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммолари юзасидан тажриба алмашаётир. Ўндан зиёд илмий мавзуимиз Фан ва технологиялар маркази гранти билан молияланган.

Барча бўлимларимиз замонавий компьютер билан жиҳозланган, мультимедия аппарати кенг қўлланилмоқда. Клиникамизда артроскоп, замонавий рентген аппаратлари, ультратовуш диагностик воситаси, электрофизиологик, биомеханик текширув аппаратларидан кенг фойдаланиляпти.

Айни вақтда институтимизда ихтисослашган илмий кенгаш, республика травматолог-ортопедлари жамияти, ёш олимлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда, вилоят шифохоналари билан мунтазам алоқа йўлга қўйилган. Илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида ҳар йили илмий-амалий анжуманлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Пировардида шуни айтиш керакки, институтимиз жамоаси соҳадаги ишларни замон талаблари даражасига олиб чиқиш, тақдир тақозоси билан майиб-мажруҳ бўлиб қолишдек нохуш ҳол билан рўбарў бўлганларга юксак малакали тиббий хизмат кўрсатишдек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

МИНИ-ФУТБОЛ

ЎзКУФК соврини учун ўтказилган биринчи турнир муваффақиятли якунланди

Оммавийлик билан боғлиқ, саломатликка хизмат қилувчи ҳар қандай турнир ҳақида гап кетганда, кўпинча бир ибора ишлатилади: ҳамма ютди, ҳеч ким ютқазмади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун мини-футбол бўйича ўтказилган биринчи турнирга нисбатан ҳам юқоридаги ташбеҳни

бемалол қўллаш мумкин. Биз шу пайтгача энг оммавий ташкилот саналмиш касаба уюшмалари томонидан жойларда муттасил равишда ташкил этилаётган

турли кўламдаги спорт мусобақалари хусусида гапириб келардик. Кўплаб нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этган касаба уюшма спортчилари томонидан қўлга киритилган медаллар шодасини кўз-кўз қилиб, ифтихор туйғуларимизни ошкор этишга ошиқар эдик. Бу галги турнир эса ҳар жиҳатдан ўтмишдошларидан фарқ қилади. Авваламбор шунинг учунки, мазкур турнир Низомида қатъий белгилаб қўйилганидек, унда 30 ёшдан кичик бўлмаганларгина қатнашишига рухсат этилди. Боз устига мусобақага мамлакат биринчилигининг II, I ва Олий лигасида ўйнаётган ёхуд футбол ҳамда болалар спорт мактабларининг, шунингдек футбол жамоаларининг мураббийлари қўйилмади.

Шу тариқа бу турнир ёшлик шижоати жўш уриб турган фахрийларнинг ҳақиқий маънодаги баҳс-беллашувига айланди.

Аввал хабар қилганимиздек, турнирда қатнашиш истагини билдирган 14 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда кейинги босқичга йўлланма олиш учун ўзаро куч синашдилар. Ғолиблар чорак финалда ора очди қилиб олгач, ЎзКУФК соврини учун бевосита учрашувлар бўлиб ўтди.

Дастлаб ярим финалда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси билан Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари Марказий Қўмитаси томонидан тавсия этилган жамоа майдонга тушди. Ўйин, айтиш мумкинки, ҳужумкорлик руҳида ўтди. Ҳар икки команда финалга чиқиш учун астойдил тайёргарлик кўриб келганлигини намойиш этди. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида хавфли вазиятлар юзага келди. Ҳакамнинг ўйин якунланганлигини билдирувчи хуштаги янграганда, ТЭК жамоаси 4:2 ҳисобида олдинда эди.

«Машинасоз» ҳамда «Автомобилчи» ўртасидаги баҳсда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси жамоаси яккол устунликка эришди (ҳисоб – 8:2) ва финалга йўлланма олди.

Барча йирик мусобақаларда бўлгани каби аввал учинчи ўрин эгасини аниқлаб берувчи ўйин ўтказилди. «Автомобилчи» жамоаси футболчиси Баҳодир Қодиров томонидан амалга оширилган гол ягоналигича қолди. Бунга жавобан КУФК жамоаси уч тўп киритиб, совринли учинчи ўринни қўлга киритди.

Финал баҳси анчайин ҳаяжонли кечди. Буни бутун ўйин давомида бор-йўғи иккита тўп киритилганидан ҳам билса бўлади. Ваҳоланки, дарвозалар олдида қатор имкониятлар юзага келди. Бироқ, биринчидан, ортиқ даражада ҳимояга эътибор қаратилгани, қолаверса, дарвозабонларнинг ўз вазифасини аъло даражада адо этганлиги туфайли «Яккасарой» спорт мажмуи ўриндиқларини тўлдирган томошабинлар бошқа гол кўришмади.

Ушбу ўйин «Машинасоз» хужумчиси Йўлчи Раҳимжонов учун ўзига хос бенифис вазифасини ўтади. Ҳар иккала голга муаллифлик қилган моҳир тўпурар турнир ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирланди. Унга КУФК курортлар бошқармасига қарашли санаторий-профилакторийлардан исталган биттасида дам олиш учун йўлланма тақдим этиладиган бўлди.

- Очиғи, - дейди ҳаяжонини яшира олмай моҳир ҳужумчи, - иккинчи голни қандай қилиб бош билан дарвозага йўллай олганимга ўзим ҳам ҳайронман. Жамоадошларимнинг фикрича, у худди катта футболдагидек чиройли чиқибди.

Беихтиёр донишмандларнинг сўзлари ёдга тушади: қувончли лаҳзалар инсон умри фаслларини боғловчи халқалардир. Шак-шубҳа йўқки, ушбу турнирда қатнашиш бахтига мушарраф бўлган ҳар бир киши ўзида аввал кузатмагани аллақандай ёқимли енгилликни ҳис қилди. Ёшариш ва бардамлик баҳорий эпкин каби дилларга ором бахш этган сонияларни унутиб бўларканми ахир! Ҳар қандай турнирда бўлгани каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Сўровлар натижасига кўра «Меҳнат» жамоаси аъзоси Дилшод Турсунов «Энг яхши ҳимоячи» деб топилди. «Энг яхши ҳужумчи» учун бериладиган совринга КАС жамоасида тўп сурган Тоҳир Назиржонов муносиб топилди.



Бутун турнир давомида ўз дарвозаси даҳлсизлиги учун астойдил ҳаракат қилган «Машинасоз» футболчиси Баҳодир Иброҳимов «Энг яхши дарвозабон» деган шарафга эришди. Дарҳақиқат, у барча учрашувларни зўр кўтаринки-

лик билан ўтказди. Моҳир дарвозабон, айниқса, финалда ўзини яхши томондан намоён этиб, умумий ғалабага салмоқли ҳисса қўшди.

«Энг ёши улуғ спортчи» номинацияси бўйича махсус соврин «Меҳнат» жамоаси аъзоси 69 ёшли Эдуард Парсеговга топщирилди. «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» соврини «Автомобилчи» жамоасига берилди.

Агросаноат мажмуи командаси «Энг интизомли жамоа» дея эътироф этилди.

– Ҳар қандай турнирнинг савияси унинг қандай ташкил этилишига боғлиқ, – дейди «Энг яхши ҳакам» номинацияси ғолиби, «Пахтакор» Республика жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуаси бош мутахассиси Аҳмаджон Хусаинов. - ЎзКУФК соврини учун ўтказилган ушбу турнир ҳар жиҳатдан ибратли бўлди. Муҳими, Низомда белгиланган шартларга тўла риоя қилинди. Турнирнинг нуфузини яна шундан ҳам билса бўладики, ўйинларни республика тоифасидаги ҳакамлар бошқаришди. Улар Ўзбекистон миллий чемпионатида олий табақа жамоалари иштирокидаги учрашувларни бошқариб, катта тажриба орттиришган.

Кези келганда бир гап. Футболчилар ҳакамларга ортиқча ташвиш келтирмаслик учун ўйин қоидасига сўзсиз риоя этишга ҳаракат қилдилар. Буни бутун турнир давомида саккиз мартагина сариқ карточка кўрсатилганидан ҳам билиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун ўтказилган биринчи турнир ниҳоясига етди. У барча иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Ушбу турнирга анъанавийлик мақомини беришга ва навбатдаги турнирни 2004 йил сентябр ойида ўтказишга қарор қилинди.

Зайниддин РИХСИЕВ

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси, «Шифокор» жамоаси аъзоси:

– Тўғриси, яқин орада бунақа маза қилмагандим. Гарчанд катта мусобақаларда кўзда тутилган барча қоидаларга оғишмай, тўла-тўкис амал қилинган бўлса-да, унда ҳукм сурган дўстона самимият менга ғоят маъқул тушди. Бошқа жиҳатларни айтмаганда ҳам айнан шунинг учун ҳам бундай турнир жуда зарур. Қолаверса, энг катта бойлигимиз – инсон саломатлиги доридармонлардан ҳам аввал бадан тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Абдураҳим ТОШПЎЛАТОВ, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси, «Қурувчи» жамоаси аъзоси:

– Болалигимдан спорт – жону дилим. Фарзандларимни ҳам спортга иштиёқ руҳида тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Лекин насиҳат ўз йўлига, йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам ўз йўлига, энг яхши тарбия, бу ибрат кўрсатишдир. Шу маънода биз оталар ушбу турнирда ўз иштирокимиз билан катта савобга қолдик, деб ўйлайман.

Албатта, ғалаба ҳамиша нашъали, лекин менинг назаримда, бундай мусобақаларда қатнашишнинг ўзи бахт. У менга олам-олам қувонч бахш этди.

Ниёзхўжа ТЕШАБОЕВ, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси масъул ходими, ТЭК жамоаси аъзоси.

– Финалгача етиб келганимизнинг ўзи биз учун бир шараф. Албатта, турнир ғолиби бўлиш яхши. Лекин иккинчи ўрин ҳам чакки эмас. Муҳими, бизда ўз кучимизга ишонч ортди. Шу ёшимизда ҳам спорт билан фаол шуғулланиш учун куч-қувватимиз етарли эканини кашф этдик. Насиб этса, келгуси йили яна ўзимизни кўрсатамиз.

Сир эмас, соғлом одамгина ўзига ишониб топширилган вазифани аъло даражада ўринлатиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ЎзКУФК турнири ўз олдига қўйган мақсадга эришди, деб ўйлайман.

Алишер МИРАЛИМОВ, Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси, «Автомобилчи» жамоаси аъзоси.

– У ёки бу одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, бирга сафарга чиқ дейишади. Мини-футбол бўйича бир ҳафта мобайнида ўтказилган турнир ҳам биз учун бамисоли сафар каби аҳамиятга молик бўлди. Мажлис-йиғилишларда, ҳужжат-ҳисоботлар воситасида ёхуд телефон орқали мулоқотда бўлиш бошқа-ю, мана бундай мусобақалар чоғида учрашиш бутунлай бошқа.

Турнирнинг соғломлаштириш борасидаги хизмати беқиёс эканлигини эътироф этган ҳолда айтишим жоизки, ушбу турнир сабаб, биз аппарат ходимлари янада яқин бўлиб қолдик. Очилмаган кўплаб яхши фазилатлар юзага қалқиб чиққандек бўлди.

Ким бўлишимиз ва қандай лавозимда машғул эканимиздан қатъи назар, биз биринчи навбатда инсонлармиз. Самимият ва меҳр-оқибат бор жойда иш унуми ортади, муаммолар ечими осон кечади. Турнир шу маънода ҳам бизга беминнат хизмат кўрсатди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г– 916. 12345